

Вилл Дюрант



08:00 / 19.10.2022 19742

“Цивилизациялар энциклопедияси” муаллифи Вилл Дюрант айтади: «Агар биз нуфузли шахсиятларнинг **буюклигини** унинг одамларга бўлган таъсирига қараб баҳолайдиган бўлсак, Муҳаммад (алайҳиссалом) тарихнинг энг буюк кишиси, деб бемалол айта оламиз. У қўрқинчли зулмат ичра жазирама ҳаво ва бепоён саҳрога улоқтирилган халқнинг **руҳий-маънавий** савиясини юксалтириш масъулиятини ўз зиммасига олди.

Муҳаммад (алайҳиссалом) бу мақсадига шундай бир муваффақият билан эриша олдики, бу борада тарихда ўтган бирор шахс унга **яқинлаша** олмайди. У киши каби ўз орзусига бу тарзда эриша олган киши камдан-кам топилади.

Муҳаммад (алайҳис салом) ўз даъватини бошлаганда Арабистон ярим ороли ширк ва бутпарастликка ботган, урушлар домига ғарқ бўлган ер эди. Аммо у зот вафот этганларида, у бирлашган, ўз низомига эга бир миллатга айланиб улгурганиди».